

**КРЕДИТ МОДУЛ ТИЗИМИ АСОСИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИДА ИЖТИМОЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ**

*Жумаев Тўлқин Холмуродович Тошкент Кимё халқаро университети,
“Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси мудири,
сиёсий фанлари бўйича фалсафа доктори доцент.*

tulkin.jumayev@kiut.uz, +998909475907

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14575077>

Аннотация: Мақолада бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлган олий ўқув юртларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда инновацион технологияларнинг ўрни кўриб чиқилади. Ушбу мақолада дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида жорий қилинган ва ҳозирда Ўзбекистон Республикасида қўлланилаётган кредит-модул тизимининг афзалликлари ўрганилган. Бундан ташқари, бу борада инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича хорижий тажриба мавжуд.

Калит сўзлар: ахборот (рақамли) технологияси, рақамли жамият, таълим тизими, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, илмий тадқиқот ишлари, шахсий тажриба, ижтимоий-гуманитар фанлар, аккредитация, меморандум, хорижий тажриба, халқаро ҳамкорлик, таълимда интеграция, кредит-модул тизими, мустақил таълим, ғоя.

Абстрактный. В статье рассматривается роль инновационных технологий в преподавании социальных наук в высших учебных заведениях, что является одним из актуальных вопросов сегодняшнего дня, изучены преимущества кредитно-модульной системы, внедренные во всех развитых странах мира и используемой в настоящее время в Республике Узбекистан, зарубежный опыт, вопросы использования в ней инновационных педагогических технологий.

Ключевые слова: информационные (цифровые) технологии, цифровое общество, система образования, нормативно-правовые документы, научно-исследовательские работы, личный опыт, социально-гуманитарные науки, аккредитация, меморандум, зарубежный опыт, международное сотрудничество, интеграции в образовании, кредитно-модульная система, самостоятельное обучение, идеология.

Abstract: The article examines the role of innovative technologies in the teaching of social humanities in higher educational institutions, which is one of the pressing issues of today. This article includes a study of the advantages of the credit-modular system, introduced in many developed countries of the world and currently used in the Republic of Uzbekistan. In addition, there is foreign experience in this matter regarding the use of innovative pedagogical technologies in it.

Key words: information (digital) technologies, digital society, education system, regulatory documents, research work, personal experience, social and humanitarian science, accreditation, memorandum, foreign experience, international cooperation, integration in education, credit-module system, independent training, ideology.

КИРИШ

Бугунги кунда нафақат ижтимоий-гуманитар фанлар балки барча соҳа фанларини ўқитишда ривожланиб келаётган ахборот (рақамли) технологияларнинг таъсири катта бўлмоқда. Ахборот технологияларнинг таълим тизимида жорий этилиши қатор енгилликлар ва янгиликларни жорий этиш билан бир қаторда, иқтисодий муносабатларда ҳам янги ёндошувлар тақозо этса, бу эса ўз навбатида бўлғуси мутахассисларни ўқитиш жараёнига инновацион методикаларни тадбиқ этишни талаб этмоқда. Жаҳон иқтисодиётини рақамлаштиришнинг жадал ўсиши инсон капиталининг иқтисодий ривожланишнинг асосий омили сифатидаги ролининг ошиши билан боғлиқ глобал тенденцияни кучайтирди. XXI асрда инсон капитали сифати биринчи навбатда таълим муассасаси орқали шаклланади. “Рақамли жамият шаклланиши шароитида технологик ўзгаришларнинг асосий субъекти аста-секин ёшлар ижтимоий мулоқотнинг янги шакллари ўрнатилган ижтимоий гуруҳга айланиб бормоқда”.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги 2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сон Қарор [1] ининг 10-бандида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Корея Республикасининг Корея Университетининг Таълим Кенгаши (Korean council for University education, KCUE) ҳамда Корея Университетининг Аккредитация Институтини (Korea University of Accreditation Institute, KUAL) ўртасида уч томонлама ҳамкорлик ва ўзаро англашув меморандуми имзоланди. [2]

Мазкур меморандиум бандларида Олий таълим муассасаларида ўтиладиган барча фанларни ўқитиш жараёнини замонавий инновацион технологиялар асосида ўтилишини назоратга олувчи тизимни такомиллаштириш борасида мазкур ташкилот мутахассисларини ҳам малака ва кўникмаларини ошириш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Дарҳақиқат, таълимда сифат даражасини оширишда хорижий тажриба муҳим аҳамиятга эга ҳисобланиб, шу мақсадда Ўзбекистонда олий таълим соҳасида Халқаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш кундан кунга давр талаби бўлиб бормоқда. Ҳукуматлараро келишувлар натижасида хорижда таълим олиш учун кенг имкониятлар яратилди. Мазкур ҳамкорлик айниқса Корея республикаси билан ҳар томонлама ривожланиб бормоқда.

Жумладан, Корея Республикаси билан таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик қуйидаги йўналишларда амалга оширилди:

- ҳамкорликдаги олий ўқув юртлари билан қўшма дастурлар
- таълим муассасаларининг филиалларини ташкил этиш;
- чет эллик ўқитувчилар ва олимларни жалб этиш
- Республика олий таълим муассасаларига инноватор кадрларни жалб этиш;
- академик фаолиятни рағбатлантириш;

- кўшма тадқиқот марказларини ташкил этиш;
- инновацион технологиялар жалб этиш орқали ортиқча ресурсларни тежаш;
- энергия соҳасидаги долзарб масалалар бўйича халқаро конференциялар ташкил этиш;
- хорижий инвестицияларни жалб қилиш [3].

Мазкур алоқалар ижроси жараёнида таълим соҳасида Республикада кўплаб ҳамкорликдаги истиқболли режалар амалга оширилди. Таълим тизимидаги ҳамкорлик алоқалари ривожда Тошкент шаҳрида жойлашган Тошкент Кимё халқаро университетининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур таълим муассасида Корея Республикасидан келган юқори малакали профессор ўқитувчилар билан биргаликда хорижда таҳсил олиб келган профессор ўқитувчилар ҳам замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда дарс жараёнларини юқори савияга олиб чиқиш борасида бир қатор амалий ишлар йўлга қўйилди. Университетнинг инновация ҳамда халқаро алоқалар бўлимининг воситачилигида Европа давлатларидан келган мутахассис ўқитувчилари учун аҳолида маҳорат дарслари ва тажриба алмашинув бўйича ишлар амалга оширилди. Жумладан, Буюк Британия, АҚШ, Белгия, Болгария, Жанубий Корея, Саудия Арабистони ва бошқа давлатларнинг таълим соҳасида ютуқларидан кенг фойдаланилаётгани таъкидлаш мумкин. Бу каби истиқболли фаолият эса таълимда интеграциянинг амалий ижроси ҳисобланади.

Таълим тизими тараққий этган давлатларнинг тажрибаси шунини кўрсатадики, таълим тизимидаги ўзгаришлар, давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини замонавий эҳтиёжларга кўра қайта кўриб чиқишни тақозо этади, аммо, бу ўта маъсулиятли жараён ҳисобланади.

Деярли бутун XX аср давомида Европа малакатлари таълим соҳасини тубдан қайта ишлаб чиқиш устида фаол иш олиб борди. Энг аввало олий таълим тизими таҳлил қилиниб, мутахассислар томонидан қатор салбий ҳулосалар берилишига сабаб бўлди. Жумладан, Европа мамлакатлари олий таълим тизими жамият ва давлат, мутахассислик ва шахсий соҳа талабларига буткул жавоб бермаслиги ҳақидаги ҳулосага келишди. Натижада янги ёндошувларга асосланиб, замонавий талабларга мувофиқ равишда ишлаб чиқилган, Европа ягона таълим майдонини шакиллантиришга асос яратилди. Ушбу ислохотларнинг асоси бўлиб 1984 йилдан ишга туширилган “Болон жараёни” [4] ни бўлиб, у 1999 йилда Италиянинг Болония университетида имзоланган Болон декларацияси сифатида ўзининг мантиқий якунига эга бўлди. Бундан кўзланган асосий мақсад Европа меҳнат бозорида мобил инсон капиталини оширишга бўлган ҳаракат бўлди. Бу эса эндиликда Европанинг 29 та мамлакатаида таълим даражаси имкон қадар бир-бирига монанд, тайёрлов натижаларига кўра бериладиган илмий даражалар имкон қадар шаффоф ва осон таққосланадиган даражада бўлишини талаб этди. Бу эса ўз навбатида олий таълим муассасаларида модул тизимида таълим бериш, кредитларни қайта топшириш тизими ва диплом учун махсус иловаларни жорий этилиши, ҳамда ўқув режаларини қайта ислох қилиш билан тубдан боғлиқ бўлди.

Ушбу ислохотларни амалга ошириш жараёнида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш масаласи алоҳида аҳамиятга молик эканлигига алоҳида урғу берилади. Хусусан, 2005 йилда Парижда Европа олий таълими халқаро дастур (EUCSEET, SP4 yo'nalishi) бўйича ўтказилган конференциясида номутахассислик соҳаларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш борасида қатор тавсиялар ишлаб чиқилди. Энг аввало шуни айтиб ўтиш жоизки, таълим соҳасида ижтимоий-гуманитар педагогик тажрибалар ўрганилиб турли таълим ёндошувлари ва усуллари кўриб чиқилди, ҳамда тегишли тахлилий маълумотларга асосланиб таълим методологиясида илғор усуллардан бири Компетентлик методини қўллан мақсадга мувофиқ деб топилди.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ушбу методни тахлил қилиш жараёнида бир қатор ишлар амалга оширилди, жумладан, асосий тушунчалар (компетентлик ва компетенция), тузилма ва таянч элементлар аниқланиб ва белгиланиб олинди. Олий таълим тизими учун компетентлик методининг 4та модели таклиф этилди:

1. Шахсий хусусиятлар модели.

2. Процедуралар ва операциялар (алгоритмизациялар) учун хос бўлган модель.

3. Фаолиятни бошқариш модели.

4. Якуний натижалар модели.

Якуний натижалар модели биринчи навбатда мустақил таълим олишга йўналтирилганлиги, унинг энг афзал модел сифатида танлаб олинишига сабаб бўлди. Шу билан биргаликда Компетентлик усулини бир йўлакайига таълим тизимига жорий этилишида бир қатор тўсқинликлар мавжуд эканлиги, хусусан таълим соҳаси ва шу жумладан ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш энг консерватив соҳалигини ҳисобга олинса, бу йўналишда қатор тадқиқотлар амалга оширилиши зарурати юзага чиқади. Бу зарурат натижаси ўлароқ янги дастурлар ва курслар ишлаб чиқиш, барча ўқув материалларини методологик қайта ишлаш, таълим тизимининг мақсад, мазмун, технологиялар ва ташкилий каби асосий элементлари қайта ўзгартирилди. Бу каби янгича ёндошув иш берувчининг мутахассисларни тайёрлашда катта имкониятларни очиб берди, яъни улар томонидан битирувчиларнинг касбий тайёргарлик даражаси юзасидан ўринли бўлган жиддий норозиликларни юзага чиқарилишига сабабчи бўлди. Шу билан биргаликда олий таълим соҳасида фаолият юритувчи педагогларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласини ҳам долзарб эканлигини кўрсатиб берди. Натижада, Европа мамлакатларида ягона таълим макони ва унда Компетентлик методини қўллаш ёндошувини ишлаб чиқиш 25 йилни талаб этганлиги ажабланарли эмас.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Шу тариқа, таълим соҳасида номутахассис йўналишлар учун ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш масаласида қатор муаммолар мавжуд эканлигини аниқланди. Бу борада муҳим бўлган учта масала кўриб чиқилди.

Биринчидан, ижтимоий-гуманитар фанларни номутахассислик йўналишларда ўқитиш борасида ушбу ОТМлар талабалари ва педагогларининг фикрлари қандай? Масала юзасидан бу фанлар асосий фанларга (масалан техник

фанлар) тенглаштирилган ҳолда ёндошувни талаб этди, акс ҳолда ижтимоий-гуманитар фанлар ўрганиш учун зарур бўлмаган фанлар сарасига тушиб қолиши мумкин эди.

Иккинчидан, ижтимоий-гаманитар фанларни ўқитиш натижаларига бўлган талабнинг қандай эканлигидир. Маълумки, турли даражадаги турли компетенцияларнинг ривожланиш даражасига қўйиладиган талаблар турлича бўлиб, биринчи гуруҳ компетенцияси – маълум даражадаги малака ва кўникмага эга бўлган, тўлиқ ўзлаштирилиши лозим бўлган билимлардир, иккинчи гуруҳ компетенцияси глобал ва долзарб масалаларни англаш даражасида шаклланади, учинчи гуруҳ компетенциялари фақат умумий фикрлар, асосий назариялар, тушунчалар, ғоялар ва ишлаш усуллари билан танишиш ва уларни эътироф этиш даражасида шаклланади. Шундай экан, ижтимоий-гуманитар фанларни биринчи, иккинчи ёки учунчи даражадаги компетенция даражасида ўрганиш лозим.

- Онтологик даража: тасаввур, тушуниш, англаш, жорий этиш;

- Ахлоқий даража: стандарт (типик) масалани ечимини топишда назарияни қўллаш;

- Экзистенциал даража: қадриятлар, мазмун, позиция.

Учинчидан, ижтимоий-гуманитар фанлар мазмунида нималар устивор бўлиши лозимлиги масаласи. Бунда фан ўз предметига йўналтирилган бўлиши лозимлиги ёки талабанинг касбий мутахассислигига йўналтирилган бўлиши кераклиги актуал масала сифатида ўрганилди.

Юқоридаги масалани ечими сифатида қатор тадқиқотлар олиб борилиб (тадқиқот жамоатчилиқ архитектураси қурилиши мутахассислиги талабалари, мутахассислик педагоглари ва ижтимоий-гуманитар фанлар педагоглар ўртасида ўтказилган бўлиб, унда 1000га яқин респондент иштирок этди), респондентларнинг катта қисми (94%) техник университетда кадрлар тайёрлашга ижтимоий-гуманитар фанларни киритилиши зарур деб ҳисоблади. Респондентлар қуйидаги фикрларни билдирдилар:

- “Замонавий қурилиш мураккаб фаолият соҳаси бўлиб, унда турли касблар, турли миллат вакиллари иштирок этади. Шунинг учун улар жамиятлар орасидаги фарқни тушунишлари керак.”

- “Ижтимоий ҳаёт шу қадар мураккабки, жамият ҳаётини билмасдан туриб муваффақиятга эришиб бўлмайди”.

- "Сиз гуманитар билимларни рад эта олмайсиз, чунки бу қадриятлар, қарашлар, қизиқишлар ва ҳаётни ноёб қиладиган барча нарсаларни ўз ичига олади".

- "Муаммоларни, шу жумладан техник масалаларни ҳал қилишда ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича маълумотли мутахассис гуманистик (инсоний) асосли қарорлар қабул қилишга қодир".

Шу тариқа, Европа мамлакатлари ягона таълим маконида ижтимоий-гуманитар фанлари алоҳида ўрин эгалланиши намоён бўлди. Хусусан, ижтимоий-гуманитар фанлар инсоннинг касбий ривожланишининг зарурий шarti эканлиги, уларнинг номутахассислик соҳаларидада ўқитилиши шарт эканлиги таълим жараёнининг барча иштирокчилари томонидан тан олинди.

Бироқ, бу фанлар алоҳида ёндашувни талаб қилади. Албатта, фанлар касбий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттириши керак, лекин фалсафа ёки тарих каби фундаментал гуманитар фанларни қисқартириш ҳисобига эмас. Бу фанлар қуйидаги муҳим вазифаларини бажаради:

- инсоний кадриятларни, шахсий маъноларни ва фуқароликни шакллантиради;

- ижтимоий фанлар алоҳида курслар сифатида профессионал маълумотномага эга бўлиши мумкин ва ҳулқ-атвор даражасида касбий соҳани ҳисобга олиши мумкин. Улар маҳорат даражасида ижтимоий онгни яратишга ёрдам беради.

Олий таълим тизимида дунёнинг ривожланган давлатларида ўзининг ижобий натижасини бериб келаётган кредит модул тизими юртимиз олий таълим муассасаларида жорий этилди. Натижада Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси бўйича олиб борилаётган ислоҳатларига асос бўлиб хизмат қилди [5].

Олий таълим тизимида замонавий кредит модул тизимининг афзаллик томони шуки, унда таълим олиш жараёнида талабанинг илм олишга бўлган муносабати кескин ўзгаради бу эса, таълимдаги сифатнинг ўзгаришига ижобий томонга ўзгаришга олиб келади. Ҳар бир ОТМ энг аввало, академик мустақил бўлиши ва ўқитишнинг кредит-модул тизими тамойилларига амал қилган ҳолда таълимни ташкил қилиши кераклиги эса, аллақачон дунё тажрибасида исботланган. 1872-йил Гарвард университетида илк кредит модул тизими жорий этилади. Бу ислоҳот АҚШ ёшлари орасида Гарвард университетида бўлган қизиқишни ошириб юборади[6].

Кредит-модул тизимига ўтиш, талабага кўплаб имкониятлар, қулайликлар яратиб бериш билан бирга, унинг шахсий жавобгарлигини оширади. Буни кредит-модул тизимида, биргина мустақил таълим соатлари тўлиқ таълим соатларининг бакалаврият босқичида 60%, магистратура босқичида эса 70% лигидан ҳам англаш мумкин. Демак, бу тизим талабалар мустақил таълимига асосий эътиборни қаратувчи тизим. Бу тизимда тўғри ташкиллаштирилган мустақил таълим самарадорликни оширадиган асосий омил ҳисобланади. Мустақил таълим – муайян фандан ўқув дастурида белгиланган ҳамда талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим ва талабада шаклланиши керак бўлган кўникма ва малакага қаратилган таълим шаклларида бири бўлиб, ўқитувчи маслаҳати ва тавсиялари асосида асосан аудиториядан ташқарида бажарилади. Талаба мустақил таълимни ўқитувчи раҳбарлиги остида (курс иши, курс лойиҳаси, конференцияларга тезис, мақола тайёрлаш ва ҳ.к.ларда) ва ўқитувчи раҳбарлигисиз (асосан, маълум курсни белгиланган қисмини талабанинг ўзи мустақил ўқиб ўзлаштириш учун) ташкил қилинади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ахборот технологиялари талабалар ва ўқитувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкил этишга ёрдам беради, автоматлаштирилган бошқарув учун шароит яратади, турли маълумотлардан фойдаланиш қобилиятини яратади, ўқитиш самарадорлигини ошириш усули сифатида ишлайди.

Ҳозирги вақтда ёш авлод кўпинча инернет ва мустақил фаолиятга мослашмайди, мавжуд тажрибани пассив равишда ўзлаштиришни афзал кўради ва атрофдаги дунёни билиш ва ўзгартиришга интилмайди. Шу сабабли, бизнингча, ёш авлодда ижтимоий фаолликни ривожлантириш ва шакллантириш муаммосига кўпроқ эътибор қаратиш зарур. Бунинг учун эса, аввало, ёшлар орасидан уларнинг ривожланишига ҳисса қўшадиган педагогларни тайёрлаш зарур. Кекса авлоднинг ўрнини ким эгаллаши ва келгуси ўн йилликларда мамлакат қандай йўлда ривожланиши кўп жиҳатдан педагогик мутахассислик талабаларининг келажақдаги касбий фаолиятига боғлиқ.

Кейинги йилларда кўпгина ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти тармоқларида жиддий таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Янги иқтисодий шароитда айнан техник соҳа мутахассисларида қатор муаммолар мавжудлиги юзага чиқди. Сабаби, бугунги кунда ўз соҳасига тегишли билимларга эга бўлишнинг ўзи етарли эмас. Бўлажак мутахассисда ижтимоий мулоқот кўникмалари ҳам юқори даражада бўшлиқни талаб этмоқда.

Дуч келган одам ўзи билмаган нарсани ўқитиши сабабли, у матндан ташқарига чиқа олмайди ва шунчаки дарсликни сўзма-сўз ўқиб беради. Натижада, жуда муҳим мавзулар зерикарли, расмий равишда, руҳсиз ўқитилади, бу эса талабаларда ҳам худди шундай муносабатни юзага келтиради[7].

Бундан ташқари, ижтимоий-гуманитар фанлар кўпинча ёдлаш керак бўлган қандайдир бир маълумотлар йиғиндиси сифатида ўқитилади, улар сиз эгаллайдиган мутахассислигингизга қандай алоқаси борлиги эса номаълумлигича қолади. Талабалар нима учун у ёки бу фан уларга мажбурий ўқитилганини ҳеч қанақасига тушуна олмайди.

Ижтимоий-гуманитар фанлар мафкурага бўйсундирилади, кўпинча тарбиявий дарс, насиҳат шаклида, догматик тарзда ўқитилади, гўё талабалар буни ўзлаштиришга мажбурдек.

Инсониятнинг маданий ва тарихий тажрибасини умумлаштирувчи ижтимоий-гуманитар фанлар ёшларни умуминсоний ижтимоий-маданий қадриятлар билан таништириш имконини беради. Шу маънода бу фанлар ўзининг аксиологик функциясини бажаради, ўзининг гуманистик салоҳиятини кўрсатади, афсуски, бу фанлар техника фанларида йўқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

[1] <https://lex.uz/docs/3764163/2018/2019> ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

[2] Жумаев Т.Х. “Ўзбекистон ва Жанубий Корея давлатлари ўртасидаги ижтимоий-маданий соҳаларда ҳамкорликнинг ривожланиш тенденциялари” ДИСС . 2020 й. Б-105.

[3] Bekimbetova Ainagul Amangeldievna .World Bulletin of Social Sciences (WBSS) Available Online at: <https://www.scholarexpress.net> Vol. 6, January,2022 ISSN: 2749-361X/ / USING THE EXPERIENCE OF KOREAN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS IN UZBEKISTAN.P-29-30.

[4] <https://ru.wikipedia.org/Болонский процесс>.

[5] <https://lex.uz/docs/4545884/> Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси

[6] Shuxratjon Farmonovich To'rayev /EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH Innovative Academy Research Support Center UIF = 8.1 | SJIF = 5.685 www.in-academy.uz/ // INNOVATION TECHNOLOGIYALAR ORQALI TASHKIL ETILGAN MUSTAQIL TA'LIM KREDIT-MODUL TIZIMIDA TA'LIM SAMARADORLIGINING ASOSI SIFATIDA / Volume 2 Issue 5, May 2022 ISSN 2181-2020 Page 877

[7] <https://www.gazeta.uz/uz/2020/09/16/Бизга Эйнштейнлар керакми?>